

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

САИДОВ БАҲРОМ АНВАРОВИЧ

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ШАХСНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ
ТАЪМИНЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 343.211.3:342(043.3)(575.1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Саидов Баҳром Анварович

Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш..... 3

Саидов Баҳром Анварович

Совершенствование обеспечения конституционных прав и свобод личности в досудебном производстве 35

Saidov Baxrom Anvarovich

Improving the provision of constitutional rights and freedoms of the individual in pre-trial proceedings 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 72

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.п.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

САИДОВ БАҲРОМ АНВАРОВИЧ

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ШАХСНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ
ТАЪМИНЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.DSc/Үб3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мухамедов Ўткирбек Ҳазратқулович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пулатов Бахтиёр Халилович юридик фанлар доктори, профессор Тўхташева Умида Абдиловна юридик фанлар доктори, профессор Муродов Бахтиёржон Баходирович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үб.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 23 сентябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (998971) 265-22-52; факс: (998971) 265-23-50; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (113-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (998971) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2020 йил 10 сентябрь куни тарқатилди.

(2020 йил 10 сентябрдаги 22-рақамли реестр баённомаси).

А. С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж. Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тез ва тўла очиш, айбсиз инсонни қонунга хилоф равишда жавобгарликка тортмаслик, жиноят процессининг барча босқичларида тарафларнинг тенглигини таъминлаш, процессуал мажбурлов чораларини асосли қўллаш, суд-тергов амалиётида шахсни қийноққа солиш, унга шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш амалиётига барҳам бериш, шахсни чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни фош этишда фаол кўмаклашгани учун жавобгарликдан озод қилиш, жабрланувчиларга етказилган мулкӣ зарарни тўлиқ қоплаш, шунингдек жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш орқали фуқароларнинг ишончини қозониш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда хусусий айблов, ярашув ва «Хабеас корпус» институтларининг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун барча зарур чораларни кўриш, терговга қадар текширув ва тергов органларининг шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунӣ манфаатларини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш, ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш, жиноят ишларини кўриб чиқишнинг процессуал тартибини эркинлаштириш, суд-тергов фаолиятининг шаффоф ва ошкоралигини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича иш юритувида жамоатчилик иштироки институтининг ролини кучайтириш, жиноятдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплаш ва уларга кўмаклашишнинг ҳуқуқӣ механизмларини такомиллаштириш, ўз манфаатларини ҳимоя қилаётган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмӣ-назарий ва амалӣ ечимини топиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳамда жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда либераллаштириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, жиноят ишлари юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш, суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш каби муҳим вазифалар назарда тутилган. Бу эса мазкур устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганишни тақозо этади. Айниқса, бу борада жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини янада соддалаштириш ва шахснинг ўз айбига иқроп бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишига эришиш, оғир ёки ўта оғир

жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан батамом ёки қисман озод қилиш асослари ва процессуал тартибини белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2019) қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017), «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича тадқиқотлар ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан Australian Law Reform Commission (Австралия), Harvard University (АҚШ), Oxford (Англия), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Tilburg University (Голландия), University of Delhi (Ҳиндистон), University of Trento (Италия), Dublin (Ирландия), Victoria (Янги Зеландия) ва Western Ontario (Канада), Stefan cel Mare Academy (Молдова), Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва академияси ҳамда Санкт-Петербург университетида олиб борилмоқда.

Жаҳонда ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган. Хусусан, ишни судга қадар юритувчи махсус терговчиларни ихтисослаштириш (Harvard University, АҚШ), жиноят-процессуал кодексга инсонпарварлик

¹ <http://aau.am>, www.alrc.gov.au, www.harvard.edu, www.jstor.org; www.apa.org; www.ucl.ac.uk/jill-dando-institute/forensic-sciences; warwick.ac.uk/fac/soc/law/research/centres/cjc; www.bournemouth.ac.uk; www.tru.ca; www.ucl.ac.uk; www.aliph.library.it; www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; <https://elt.oup.com>; www.psychiatry.org; spbu.ru; www.msu.ru; www.unr.edu; www.aafs.org; www.ams.org; www.allacademic.com; www.northwestern.edu; www.uni-miskolc.hu/en, www.tilburguniversity.edu, www.du.ac.in, <http://www.unitn.it/en>, msal.ru, <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, сгюа.пф, mail.va-mvd.ru ва бошқа манбалардан олинган. www.rwu.edu; www.utas.edu.au; en.nagoya-u.ac.jp; www.utokyo.ac.jp/en; www.utoronto.ca; www.yale.edu.

принципини киритиш зарурлиги асослангилган (Ludwig-Maximilians-Universität München, Германия), процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг устувор вазибалари ишлаб чиқилган (Oxford, Англия), жабрланувчига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш масалалари тадқиқ этилган (University of Trento, Италия), шахс содир этган жинояти бўйича айбига иқроп бўлиб, ишни судга қадар юритувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилганида унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш масалалари ўрганилган (Western Ontario, Канада), ишни судга қадар юритиш босқичи якунида айблов ҳулосаси билан бирга, ҳимоячининг ҳулосасини ҳам беришга оид таклифлар ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва академияси).

Дунёда ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш институтини такомиллаштириш, жумладан, халқаро стандартларни имплементация қилиш орқали жиноят-процессуал муносабатларда инсонпарварлик принципини жорий этишга қаратилган жиноят-процессуал муносабатларда айбсизлик презумпцияси принципи талабларининг устуворлигини таъминлаш, ишни судга қадар юритишда ҳимоянинг ролини кучайтириш, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларининг ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситмайдиган самарали ва таъсирчан усуллардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг диспозитив ҳуқуқларини кенгайтириш каби устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг баъзи жиҳатлари, хусусан ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид масалалар мамлакатимизнинг Ғ. Абдумажидов, Б.Т. Акрамходжаев, З.Ф. Иноғомжонова, К.А. Ишниязов, Д. Камалходжаев, Д.М. Миразов, Б.А. Миренский, Ф.М. Мухитдинов, Б.Б. Муродов, Б.Х. Пулатов, Ю.С. Пулатов, А.Х. Раҳмонқулов, М.А. Ражабова, Б.А. Ражабов, М.Х. Рустамбаев, Т.Р. Сайтбаев, С.М. Саҳаддинов, У.А. Тўхташева, Г.З. Тулаганова, А.О. Шарофутдинов каби олимлари томонидан тадқиқ этилган.

МДҲга аъзо давлатларда таҳлил қилинаётган мавзунинг айрим жиҳатлари Л.В. Вавилова, Л.В. Головки, Е.А. Карякин, И.Б. Лапин, А.И. Макаркин, Е.В. Митрофанова, М.Н. Новикова, А.В. Пивень, Р.Г. Сердечная, П.Л. Сурихин, А.В. Смирнов, С.А. Шейфер, И.Я. Фойницкий каби ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилган.

Ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари Jodie Blackstock, Yerold H. Israel, Wayne R., Marianne L., Lilit Grigoryan, Landsman S., Burnham W., Krisztina Farkash каби хорижий олимларнинг илмӣ асарларида тадқиқ этилган².

Мазкур олимларнинг илмӣ ишларини ўрганиш жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида ишни судга қадар юритиш босқичида шахснинг конституциявий

² Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ҳуқуқ ва эркинликларини, терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда тергов органларининг процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашга доир фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича чуқур таҳлил амалга оширилмаганлигини кўрсатди. Бу эса тадқиқот ишининг долзарблигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» бўйича илмий изланишлар доирасида амалга оширилган (2017–2020).

Тадқиқотнинг мақсади ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган аниқ таклиф, илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмлари пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичларини ўрганиш;

ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичига тааллуқли конституциявий принципларнинг қўлланилишини таҳлил қилиш;

ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

терговга қадар текширув ва жиноят ишини тергов қилишда ҳимоячининг иштирокини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича терговга қадар текширув ва тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усуллари, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш, жиноят иши материаллари ва суд амалиётини таҳлилий ўрганиш ҳамда бошқа усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг мол-мулкани хатлашда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноят ишларини кўриш тартибини янада соддалаштириш, жабрланувчига етказилган зарарни тез ва тўлиқ қоплаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек фуқаролар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган янги низоли вазиятларни бартараф этиш мақсадида, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш имконини берадиган «Айбга иқрор бўлиш» ва «Ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги янги процессуал келишув битимлари (институтлари)ни миллий қонунчиликка жорий этиш зарурлиги асослантирилган;

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш, ишни судга қадар юритиш босқичида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек шахсни ушлаб туришда қонунийликка қатъий риоя этилишига эришиш учун жиноят-процессуал муносабатларда «тергов судьяси» лавозимини жорий этиш лозимлиги асослантирилган;

ҳалқаро амалиётда эътироф этилган илғор тажрибалар асосида суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни видеотасвирга тушириш орқали уларда ҳолислар иштирокининг мажбурийлигидан воз кечиш зарурлиги асослантирилган;

гумон қилинувчи ва айбланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиши лозим бўлган адвокатни танлаб берувчи электрон дастурни жорий этиш, шунингдек адвокатнинг ўз ҳимояси остидаги шахс билан аудио ва видео кузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда, бегона шахслардан ҳоли равишда учрашиш ҳуқуқини таъминлаш лозимлиги асослантирилган;

жиноят-процессуал муносабатларда процесс иштирокчилари томонидан терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг жиноят иши кўзғатиш ёки кўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишини тугатиш ҳамда бошқа тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда қонунни ҳар қандай тарзда бузиш, шунингдек шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш каби ҳолатлар устидан бевосита судга шикоят қилиш

имкониятини кафолатловчи нормаларни жиноят-процессуал қонунчиликда акс эттириш зарурлиги асослаб берилган;

жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятларга доир муурожаатларини ўз вақтида рўйхатга олиш ва қонунда белгиланган тартибда ҳал қилиш, ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам бериш ҳамда суд-тергов фаолиятининг шаффоф ва ошкора бўлишини таъминлаш мақсадида жиноят ишини электрон тартибда юритиш амалиётини жорий этиш зарурлиги асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижаларидан ишни судга қадар юритишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда хавфсизлигини таъминлашга, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга, айбсиз шахслар жавобгарликка тортилмаслигига, жиноятларнинг тезкорлик билан очилишига, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлашга, шунингдек жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод этишга имкон берадиган янги институтларни миллий қонунчиликка жорий этиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижасини акс эттирувчи хулосалар жиноят ишларини юритиш соҳасида ишлаб чиқилган, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида умум эътироф этилган ва монография шаклида эълон қилинган назарий ишланмаларнинг, мавзу предметига оид статистик маълумотлар ҳамда муаллиф танлаган мавзуга оид масалаларнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасининг таҳлилига асосланган. Ишда фойдаланилган статистик маълумотлар ва 902 нафар мутахассис (терговга қадар текширув органи мансабдор шахслари, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва адвокатлар, шунингдек профессор-ўқитувчилар)нинг фикрларини ўрганиш мақсадида ўтказилган анкета сўровлари³ тегишли тартибда хужжатлаштирилиб, расмийлаштирилган, 200 га яқин терговга қадар текширув материаллари ва 380 та жиноят ишини ўрганиш натижалари умумлаштирилган. Муаллиф томонидан мавзу предметига доир қонун нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида шакллантирилган тақлиф ва тавсиялар халқаро ҳуқуқ нормаларида ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги стандартларнинг мазмун-моҳиятига ҳамда хорижий ва маҳаллий изланувчиларнинг ушбу мавзуга оид тадқиқотларидаги умумилмий-методологик асосларга мос келади.

³ “ЖК ва ЖПК: назария ва амалиёт” телеграмм гуруҳи (6-7-иловалар).

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий ишларда чоп этилган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг *илмий аҳамияти* шундаки, муаллиф томонидан ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва қоидалар ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар ўтказишга имкон яратади. Тадқиқотчининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифа ва принципларини такомиллаштириш юзасидан берган таклифлари ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш учун катта назарий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг *амалий аҳамияти* мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини, «Адвокатура тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Жиноят ишлари юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида», «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида», «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида», «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларини, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг ишни судга қадар юритишга оид идоравий ҳужжатларини, ИИБ Тергов департаментининг буйруқларини ҳамда суд-тергов амалиёти тартиб-таомилларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратиши билан боғлиқ. Диссертация натижаларидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илмий тадқиқот ишларида, «Далиллар назарияси», «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Дастлабки тергов фаолияти», «Суриштирув фаолияти», «Прокурорлик назорати», «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанларидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ҳамда ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини янада соддалаштириш, жабрланувчига етказилган зарарни тез ва тўлиқ қоплаш, фуқаролар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган янги низоли вазиятларни бартараф этиш, шунингдек жиноят-процессуал қонун нормаларида инсоннинг шахсий, турар жой ва мол-мулк дахлсизлигига оид ҳуқуқларини янада кенгроқ қафолатлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, жумладан унинг 290, 333 ва 345-моддаларини амалдаги таҳрирда шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 20 декабрдаги 06/1-05/1191-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг иноватга олиниши процесс иштирокчиларининг шахсий дахлсизлиги, турар жой ва мол-мулки билан боғлиқ ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланишига хизмат қилган;

жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш

бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонуннинг 5, 6, 8, 9 ва 18-моддаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 21 февралдаги 06-Д/08-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ички ишлар органлари ходимларининг терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчи сифатидаги фаолиятида очиқлик ва шаффофлик принципига, айбсизлик презумпцияси принципига, шунингдек шахсни ушлаб туришда қонунийликка қатъий риоя этишларига хизмат қилган;

суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни видеотасвирга олиш орқали қайд этиш, уларда ҳолисларнинг мажбурий тартибда иштирок этишидан воз кечишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сон фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг II бўлимини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Тараққиёт стратегияси» марказининг 2020 йил 6 майдаги 1029/20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши халқаро амалиётда эътироф этилган илғор тажрибалар асосида суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилишига ва жиноят-процессуал муносабатларда «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилишига, шунингдек ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтирилишига хизмат қилган;

терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишини тугатиш ҳамда бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар устидан бевосита судга шикоят қилиши мумкинлигини белгилаш ҳақидаги таклиф ва тавсиялардан «Адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси»нинг лойиҳасини тайёрлашда, Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2020 йил 19 августдаги 03-13-916/599-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг татбиқ этилиши ишни судга қадар юритишнинг барча босқичларида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи таъминланишига, шу билан бирга ушбу ҳуқуқлардан амалда фойдаланиш учун реал шароитлар яратиб берилишига хизмат қилган;

суд-тергов фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида жиноят ишини электрон тартибда юритиш амалиётини жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов

қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон қарорининг 1-бандини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти тўғрисида»ги низомнинг 9-бандини, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»нинг 60 ва 61-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг 2020 йил 12 июндаги 18/3183-сон маълумотномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятларга доир мурожаатлари ўз вақтида рўйхатга олиниши, қонунда белгиланган тартибда ҳал этилиши, шунингдек ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига чек қўйилишига хизмат қилган;

суриштирув бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, терговга қадар текширув ва суриштирувни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказиш, қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил 15 майдаги 90-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармаси тўғрисида»ги низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2020 йил 13 июндаги 4593-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суриштирув бўлинмалари фаолиятида жиноятларни ҳисобга олиш, қайд этиш интизомига риоя этилиши устидан процессуал ва идоравий назоратни амалга оширишда, терговга қадар текширув ва суриштирувни ташкил этишда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этишга, жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда қонунийликка риоя этилиши бўйича ҳудудий бошқармалар суриштирув бўлимларининг фаолияти янада такомиллаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 24 та илмий-амалий анжуманда (улардан тўрттаси халқаро, 20 таси республика миқёсида) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш, жумладан, битта монография, 17 та мақола (улардан учтаси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 260 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати»** деб номланган бўлиб, унда муаллиф шахс конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичларини, шунингдек уларни таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва аҳамиятини атрофлича ёритиши билан бирга, жиноят процессининг ишни судга қадар юритиш босқичига тааллуқли конституциявий принципларини таҳлил қилган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни тартибга солувчи нормаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши ретроспектив таҳлил асосида қуйидаги тўртта даврга ажратиб ўрганилган: 1) Марказий Осиёга ислом дини кириб келган ва шариат нормалари жорий этилган давр; 2) Чор Россияси ҳукмронлиги даври; 3) Ўзбекистоннинг собиқ СССР таркибида бўлган даври; 4) Мустақиллик даври. Тадқиқотда ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари комплекс равишда чуқур ўрганилиб, унда ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш институтининг тарихий ривожланиш хусусиятлари тўлиқ очиб берилган.

Шунингдек, диссертант мамлакатимизда мустақиллик йилларида жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тўрт босқичга (*биринчи босқич 1991–2000 й., иккинчи босқич – 2001–2010 йиллар, учинчи босқич – 2011–2016 йиллар, тўртинчи босқич – 2016 йил сентябрдан ҳозирга қадар*) бўлган ҳолда ўрганиб, ҳар бир босқичда амалга оширилган чора-тадбирларни атрофлича ёритган.

Тадқиқот ишида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид конституциявий нормаларнинг жиноят-процессуал муносабатларда қўлланилиши, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига доир ратификация қилинган халқаро конвенциялар талабларининг миллий қонунчиликка жорий этилганлик ҳолати, жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига доир статистик маълумотлар чуқур таҳлил қилинган. Хусусан,

мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли инсонпарварлик сиёсати натижасида сўнгги уч йилда 1989 нафар, жумладан 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. 2019 йилда 3081 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 2623 нафар фуқарога нисбатан асоссиз равишда эълон қилинган айбловлар бекор қилинди ёки ўзгартирилди. Буларнинг ҳаммаси тадқиқотчининг судлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мавқеини юксалтириш орқали ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлашга эришиш мумкинлиги юзасидан қатъий фикрга келишига хизмат қилган.

Муаллиф юридик манбалардаги «шахснинг ҳуқуқи» ва «шахснинг эркинлиги» тушунчалари ҳамда уларнинг аҳамияти билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали мазкур тушунчаларни қуйидаги мазмунда баён этишни таклиф қилган:

***Ишни судга қадар юритишда иштирок этаётган шахснинг ҳуқуқи** – инсоннинг Конституция, Жиноят-процессуал кодекс ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган барча ажралмас ҳуқуқлари мажмуидир.*

***Ишни судга қадар юритишда иштирок этаётган шахснинг эркинлиги** – инсоннинг Конституция, Жиноят-процессуал кодекс ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тақиқланмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидир.*

Диссертант қонун нормаларида ўз ифодасини топган «шахс», «инсон», «фуқаро» атамаларига эътибор қаратган. Хусусан, ушбу атамалар амалдаги қонунчиликда жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қўлланилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда «шахс» атамасидан фойдаланилиши ҳар жиҳатдан асосли эканлиги тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқот ишида жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи бўйича қуйидаги хулосаларга келинган: *биринчидан*, ишни судга қадар юритиш босқичларида шикоят қилиш деганда жиноят процесси иштирокчилари, уларнинг яқин қариндошлари ёки вакилларининг жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш юзасидан прокурорга, судга ёки бошқа юқори турувчи органга берилган (ёзма, оғзаки, электрон) мурожаати тушунилади; *иккинчидан*, шикоят қилиш шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи, шунингдек жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларни ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийиб турувчи воситадир; *учинчидан*, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этувчи барча ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан судга онлайн тартибида шикоят қилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (бундан кейин матнда – ЖПК деб юритилади) ўз аксини

топиши лозим; *тўртинчидан*, ишни судга қадар юритишда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этганлигига доир барча ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан судга шикоят қилиш тартиби ва асосларини ўзида акс эттирадиган алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши лозим; *бешинчидан*, процесс иштирокчилари томонидан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар устидан юқори турувчи органга берилган мурожаатларни кўриб чиқиш учун қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор)га юбориш ҳолатларига қатъий чек қўйилиши керак.

Диссертантнинг қайд этишича, шахснинг терговга қадар текширув ёки тергов органлари раҳбарларига, прокурорга ёки судга шикоят билан мурожаат этиши, унинг шикоят ёки илтимоснома билан бошқа юқори турувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмаслиги керак. Шу билан бирга, муаллиф процесс иштирокчилари томонидан берилган ҳар қандай шикоят, мазкур жиноят ишининг натижасидан манфаатдор бўлмаган, шу билан бирга, ушбу шикоятни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган давлат органларига берилгандагина кутилган натижага эришиш самарадорлиги юқори бўлади, деган хулоса чиқаради. Шикоят суд томонидан кўриб чиқилиб, унинг натижасига кўра суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қабул қилган процессуал ҳужжати асоссиз (ғайриқонуний) деб топилганида, суд уни бекор қилиш билан чекланиб қолмасдан, ушбу мансабдор шахсга нисбатан мажбурий тартибда тегишли чора кўриш юзасидан тақдимнома киритиши лозимлиги қайд этилади.

Диссертациянинг «**Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг процессуал жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хос хусусиятлар атрофлича ёритилган.

Суд-тергов амалиёти ҳамда жиноят иши материалларини ўрганиш натижасида гумон қилинувчининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари 1) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиб ушлаб туришда, 2) терговга қадар текширув жараёнида шахсга нисбатан ўтказиладиган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда, 3) шахсни гумон қилинувчи сифатида жалб этиш ва сўроқ қилишда поймол этилаётгани қайд этилган. Диссертацияда бу борада гумон қилинувчига нисбатан ғайриинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлингани учун аҳоли ўртасида ҳамда ижтимоий тармоқларда шов-шувларга сабаб бўлган жиноят ишларидан амалий мисоллар келтирилган.

Тадқиқотда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туришнинг ЖПКда белгиланган 48 соатлик муддати ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эмас, балки у амалда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланиши лозимлиги тўлиқ асослантирилган.

Тадқиқот ишида ҳозирги вақтда ишни судга қадар юритиш амалиётида юритилаётган шахсни ушлаб туришга доир процессуал ҳужжатларда ушлаб туриш асосларининг мазмуни ва моҳияти тўлиқ очиб берилмаётгани танқид қилинган. Шу боис, шахсни ушлаб туриш асосларининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган ушлаб туриш баённомасининг махсус процессуал шакли, яъни бланкаларининг намуналари ишлаб чиқилган.

Шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муҳим институт ҳисобланади. Чунончи, айбланувчи шахснинг аниқланиши ва жиноят ишига жалб қилиниши жиноят процессининг асосий босқичларидан биридир. Шу боис диссертант жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги барча қоидаларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг «Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш» деб номланиши тавсия этилаётган янги 44¹-бобда алоҳида қайд этишни таклиф қилган.

Муаллифнинг фикрича, жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаси жиноят-процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган бўлса-да, лекин масаланинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаслик, айбловни асослашда далилларнинг баъзи турларига юқори баҳо бериш, етарли асослар бўлмай туриб шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳоллари ҳамон амалиётда учраб турибди.

Айбланувчининг ЖПКда белгиланган ҳуқуқлари унга асоссиз айб қўйилишидан ўзини ҳимоя қилиш учун етарли эмас. Шу боис, ЖПКнинг 361-моддасида белгиланган жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор у ёки бу шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш учун иш бўйича етарли далиллар тўпланганидан кейингина қабул қилиниши кераклиги асослантирилган.

Диссертацияда ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг иштирокини таъминлаш ҳамда жиноят ишидаги баъзи процессуал ҳужжатлар билан танишиш борасида юзага келаётган муаммоларнинг айримлари ошкоралик йўлидаги «тергов сирини» деган мавҳум тўсиқ билан боғлиқлиги эътироф этилган, бу ҳолат ҳимоячига ўз ҳимоясидаги шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашда қийинчиликлар келтириб чиқараётгани таъкидланган. Тадқиқотчининг фикрича, бундай сирлар фақат ўз хизмат вазифаларини махфийлик асосида амалга оширадиган субъектларга тааллуқли бўлиши керак. Судга қадар амалга ошириладиган ишларни процессуал нуқтаи назардан очик ва шаффоф равишда юритадиган субъектлар фаолиятида эса тергов сирининг чегараси аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Шу мақсадда, диссертацияда «тергов сирини» атамасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертацияда ЖПКнинг 84-моддаси (Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар) биринчи қисми 2, 8-бандлари ҳамда бешинчи қисми 1, 3-бандлари айбланувчи ёки судланувчи томонидан содир этилган жиноят натижасида жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангандагина қўлланиши мумкинлигини белгилаб қўйиш зарурлиги асослантирилган.

Муаллиф ишни судга қадар юритишда иштирок этаётган жабрланувчилар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида уларни жамиятда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларга ишонтиришнинг биринчи ва асосий усули жабрланувчига етказилган моддий (маънавий) зарарни қоплаб беришдир, деган фикрга келган. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг «*Жиноят натижасида жабрланувчига етказилган мулкӣ зиённи тўлаш тўғрисида*»ги қонунини қабул қилиш, унга кўра «*Жиноятдан жабр чекканларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича жамғарма*» ташкил этиш, ушбу жамғарма жиноят содир этган шахсларга суд томонидан жазо тариқасида қўлланилган жарималарнинг бир қисмидан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг суд ҳукми билан давлат фойдасига мусодара қилинган мол-мулкани ким ошди савдосида сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан шакллантириш лозимлиги асослантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби якунида гувоҳни кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантириш (кўрқитиш) оқибатида ноаниқ, чалғитувчи кўрсатув олиш эмас, балки унинг суриштирув ва тергов идораларига ўз ихтиёри билан келиб, содир этилган ёки тайёрланаётган ҳар бир жиноят ҳақида батафсил кўрсатув беришига эришиш зарурлиги, бунинг учун, аввало, уларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек хавфсизлиги қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар билан амалда қафолатланган бўлиши кераклиги, ана шундагина жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликнинг гувоҳи бўлган шахсларни жиноятларни тергов қилиш жараёнига ҳамкорлик қилиш учун жалб этиш масаласи ҳозиргидек муаммо бўлмаслиги қайд этилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳимоячининг ўрни**» деб номланиб, унда терговга қадар текширувда ҳимоячининг иштирокини таъминлаш, шунингдек жиноят ишини тергов қилишда ҳимоячи фаолиятининг самарадорлигига эришиш масалалари батафсил тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши, *биринчидан*, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатли ҳимоя қилинишига, унинг асоссиз жиноий таъқибдан муҳофаза қилинишига; *иккинчидан*, шахсни жавобгарликка тортишда дастлабки тергов ҳамда суднинг фаолияти қонун ва адолат мезонлари билан мувофиқлигига ишонч ҳосил қилинишига боғлиқдир.

Диссертацияда ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг иштироки билан боғлиқ қуйидаги қоидалар ишлаб чиқилган: *биринчидан*, терговга қадар текширувда ҳимоячининг ўз вазифаларини бажаришга киришиш вақти (эртароқ ёки кечроқ бошлаши) гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланиш самарадорлигига бевосита (ижобий ёки салбий) таъсир кўрсатади; *иккинчидан*, жиноят-процессуал қонунчиликда айблов ва ҳимоя томонлари тенглигининг таъминланиши, энг аввало, процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишига, қолаверса, томонларнинг бир-бирларини ўзаро тийиб туришига хизмат қилади;

учинчидан, терговга қадар текширувда ҳимоячи иштирокининг лозим даражада таъминланиши жинойт ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан турли қонунбузарликлар содир этилиши ва хатоларга йўл қўйилишининг олдини олишга имкон беради; *тўртинчидан*, терговга қадар текширувда ҳимоячи иштирок этиши натижасида айбсиз шахс жавобгарликка тортилишининг олди олинади. Бу эса жинойтни амалда содир этган шахсни «иссиқ изи»дан қўлга олиш имконини беради.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, ЖПКнинг 53-моддасидаги «*бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиши*» деган қоида амалда тергов ҳаракатлари ўтказилаётганида ҳимоячининг тўлиқ иштирок этишини чекламоқда. Шу боис диссертацияда мазкур қоида «*ўзи тўплаган ва тақдим қилган далилларни текшириши билан боғлиқ барча тергов ҳаракатларида иштирок этиши*» тарзида ифодалаш таклиф этилган.

Муаллиф жинойт ишини тергов қилишда ҳимоячи фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурган:

биринчидан, ҳимоячининг ўз ҳимояси остидаги шахс манфаатлари йўлида жинойт ишини тергов қилаётган суриштирувчи ёки терговчи билан ҳамкорлигини такомиллаштириш керак. Самарали ҳамкорлик шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига, шунингдек жинойтга алоқаси йўқ шахслар жавобгарликдан озод этилишига ҳамда жинойтни содир этиб, терговдан яшириниб юрган шахслар айбига иқрор бўлиб келишига хизмат қилади. Чунки бунда адвокатнинг ҳимоя позицияси ва терговчининг жинойтни очиш йўлида амалга ошираётган ҳаракатлари ўзаро мутаносиблашади. Шу боис ҳам бундай ҳамкорлик томонларнинг кадр-қиммати ва касбий шаънини ўзаро ҳурмат қилиш ҳамда ахлоқ-одоб қоидалари асосида амалга оширилиши лозим;

иккинчидан, терговчи ушлаб турилган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек уларнинг илтимоси билан бошқа шахслар ҳам ҳимоячи таклиф этишларига имкон яратиши лозим;

учинчидан, адвокат сўрови бўйича ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш керак;

тўртинчидан, (тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун чақирилган шахслар ва адвокатнинг соатлаб кутиб ўтиришига чек қўйиш мақсадида) ушлаб келинган ёки сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш учун чақирилган шахс, шунингдек ишда иштирок этиш учун таклиф этилган адвокат жинойт ишини юритишга масъул бўлган давлат органига етиб келган аниқ вақтни электрон қайд қилиш тартибини жорий этиш даркор;

бешинчидан, жинойт ишини юритишга масъул бўлган барча давлат органларида адвокатлар учун ташкил этилган хизмат хоналарини зарур техник воситалар, мебель жиҳозлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик адабиётлар билан таъминлаш, шунингдек интернет тизимига улаш жуда муҳим.

Тадқиқот ишининг «Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш истиқболлари» деб номланган тўртинчи бобида жиноят-процессуал муносабатларда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича халқаро тажриба, миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича тергов органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир масалалар чуқур тадқиқ этилган.

Муаллиф ривожланган давлатларнинг ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида бу жараёнда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутишини қайд этган. Унинг фикрича, жамоатчилик назорати: *биринчидан*, ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига қарши кучли восита ҳисобланади; *иккинчидан*, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини қонун асосида ташкил этилишида алоҳида аҳамият касб этади (зеро, жамоатчилик назорати туфайли уларнинг жавобгарлиги ва масъулияти ошади, у қонунларга қатъий риоя этилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳурмат қилинишига кўмаклашади); *учинчидан*, жиноят процесси иштирокчиларининг таъсирчанлигини оширади; *тўртинчидан*, ишни судга қадар юритишда жамоатчиликнинг фаоллигига, айблов ва ҳимоя тарафларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертантнинг фикрича, жиноят-процессуал қонунчилик жиноят ишини юритишни тезлаштириш, соддалаштириш ва ортиқча харажатларни камайтириш йўналишларида янада такомиллаштирилиши лозим. Шу боис, Жиноят кодексида қайд этилган оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этганликда гумон қилинган ёки айбланаётган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган жазонинг ярмидан кўп бўлмаган муддатигача тайинланиши ёки жинойий жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутувчи институт жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Муаллифнинг фикрича, шахсни жавобгарликдан озод қилиш институти иқтисодий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга, жумладан: давлат органларининг ишни судга қадар юритиш босқичидаги харажатлари кескин камаяди; процесс иштирокчиларининг судга қадар, ҳатто суд жараёни давридаги сарсонгарчилиги ва ортиқча сарф-харажати камаяди; жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланади; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг вақти тежалади, ортиқча қоғозбозликка чек қўйилади, тежалган вақт бошқа муҳим ишларни тергов қилишга сарфланади; озодликдан маҳрум этилган шахсларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар камаяди ва ҳ.к.

Шунингдек, тарафларнинг ўзаро келишуви институти жорий этилганида бундан гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки процесснинг бошқа

иштирокчилари зарар кўрмайди, давлат ва жамият манфаатларига путур етмайди. Шу боис, ЖПКга «*Айбига иқдор бўлиши тўғрисидаги процессуал келишув битими*» ва «*Ҳамкорлик тўғрисидаги процессуал битим*» деб номланган янги бобларни киритиш зарурлиги асослантирилган. Мазкур янги институтлар ишни судга қадар юритишда тезкорликни таъминлашга, гумон қилинувчи, айбланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар улар учун битимда қайд этилган шартлар бажарилганида тегишли жавобгарликдан озод бўлишига, ишни судга қадар юритишда шахснинг диспозитив ҳуқуқлари янада кенгайтиришига, судларнинг иш ҳажми камайишига хизмат қилиши асослантирилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу институтлар жиноят-процессуал муносабатларда учраб турган коррупцион ҳолатларга қарши «ҳалоллик вакцина»си ролини ҳам бажаради.

Диссертантнинг таъкидлашича, ишни судга қадар юритиш босқичини назорат қилувчи прокурорларнинг амалдаги ЖПКда кўрсатилган ваколатларини сақлаб қолган ҳолда, тергов органлари раҳбарларига ҳам ўз қўли остидаги суриштирувчи ва терговчиларнинг қонунга зид ва асоссиз қарорларини бекор қилиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ. Мазкур таклифнинг қонунчиликда ўз ифодасини топиши шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилмаслигига, қонунларнинг ўз ўрнида ва тўғри қўлланишига, тергов органлари фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Шу боис, ЖПКнинг «Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари» номли 37-моддасига бешинчи қисм сифатида «*юқори турувчи тергов органининг бошлиғи ва унинг ўринбосари тергов ходимларининг қонунга зид ва асоссиз қарорларини бекор қилади*», деган қонун қўшиқ, шунингдек мазкур модданинг номини, «*Тергов органи бошлиғи ва унинг ўринбосарининг ваколатлари*», деб ихчамлаштириш таклиф этилган.

Ўзбекистонда бугун 4 минг нафарга яқин адвокат фаолият кўрсатиб, 8,5 минг аҳолига ўртача битта ана шундай мутахассис тўғри келмоқда. Муаллифнинг қайд этишича, мамлакатимиз аҳолисининг сонидан келиб чиқиб ёш, билимли, малакали мутахассис кадрлар ҳисобидан адвокатлар сонини кўпайтириш лозим. Бу, *биринчидан*, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни ноҳўя хатти-ҳаракатлардан, ноқонуний ва асоссиз қарорлар қабул қилишдан тийиб туришга; *иккинчидан*, ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга; *учинчидан*, адвокатлар ўртасида соғлом рақобат юзага келишига; *тўртинчидан*, адвокатлар томонидан кўрсатилаётган юридик хизматлар нархи мақбул бўлишига ва бошқа ижобий ўзгаришлар амалга ошишига хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган: қонунлардаги бўшлиқларни тўлдириш ва зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш; халқаро ҳуқуқ нормаларини кенг татбиқ этиш; ишни судга қадар юритиш босқичи устидан суд назоратини кучайтириш;

ҳимоячининг ҳуқуқларини кенгайтириш; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш; жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш механизмини яратиш; жамоатчилик назоратининг ролини ошириш; жиноят процессида тарафларнинг тенглигини таъминлаш ва ҳ.к.

Диссертантнинг қайд этишича, жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш, жиноят ишларини кўриб чиқишни соддалаштириш ва процессуал чиқимларни камайтириш орқали инсон, давлат ва жамият манфаатларини ишончли таъминлаш мумкин. Шу боис ишни судга қадар юритиш босқичига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадга мувофиқ.

Диссертацияда жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш зарурлиги асослантилган.

Муаллифнинг фикрича, бугунги кунда ички ишлар органларининг фаолиятига фақат жиноятчилик динамикасидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериш амалиётидан воз кечиш зарур. Зотан, бундай амалиёт жиноятдан жабрланган шахсларнинг мурожаатлари рўйхатга олинмаслигига, жиноятларнинг ҳисобга олишдан қасддан яширилишига, жабрланувчиларга етказилган зарар қоплаб берилмаслигига, жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланмаслигига, энг ёмони, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятига ишончи кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис, ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда, содир этилган жиноятлар турларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиш таклиф этилган: 1) жабрланувчиларнинг аризаси орқали аниқланадиган жиноятлар (*ўғирлик, фирибгарлик, қасддан одам ўлдириш, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказиш, безорилик ва ҳ.к.*); 2) ички ишлар органларининг бевосита ташаббуси билан аниқланадиган ва махсус тадбирлар ўтказиш орқали фош этиладиган жиноятлар (*пора бериш, пора олиш, ўқотар қурооларни қонунга хилоф равишда сақлаш, уларга эгалик қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, гиёҳвандлик ва ҳ.к.*). Тадқиқотчининг фикрича, иккинчи гуруҳга кирувчи жиноятларни ташаббус кўрсатиб аниқлаган ва фош этган ходимларни салбий баҳолаш эмас, аксинча, доимий равишда рағбатлантириб бориш лозим.

Диссертант ички ишлар органлари тизимида хизмат олиб бораётган тергов органларининг иш ҳажми ҳаддан ташқари кўплиги, бу эса, ўз навбатида жиноят ишларининг сифатли тергов қилинишига, ушбу жараёнда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига салбий таъсир этаётганини таъкидлаб, уларнинг штат бирлигини юритилаётган жиноят ишларининг сони ва мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар

4-5 йилда қайта кўриб чиқишни, шунингдек жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштиришни таклиф этган.

Муаллиф ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилиши каби қонунга зид ҳолатларга қарши курашнинг қуйидаги йўллари таклиф этган: *биринчидан*, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тўқинлик қиладиган омилларга қарши чоралар кўриш; *иккинчидан*, суриштирувчи, терговчи ва прокурорлар ўз ваколатларидан тўғри фойдаланишлари билан бирга, зиммасига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажаришларига эришиш; *учинчидан*, жиноят иши юритилишига масъул мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига ҳамда процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш даражасини ошириш. Зотан, ходимларнинг етарли малакага эга эмаслиги ва тажрибасизлиги давлатга моддий жихатдан ҳам зарар келтиради. Хусусан, жорий йилнинг беш ойи мобайнида тергов органлари томонидан асосиз айб қўйилган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, 1854 нафар шахсга қўйилган асосиз айбловлар олиб ташланди. Ўтган йилнинг ўзида 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

Диссертация якунида ишни судга қадар юритиш жараёнини «*Холис тергов, кучли ҳимоя, адолатли суд*», деган янги тамойил асосида амалга ошириш таклиф этилган.

ХУЛОСА

Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот иши натижалари бўйича қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясини ривожлантиришга оид назарий хулосалар:

1. Қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

тергов сир – жиноят иши юритилишига масъул мансабдор шахсларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва жазога ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишга оид маълумотларни ошкор қилмасликка қаратилган индивидуал хатти-ҳаракатлари ҳамда уларни процессуал жихатдан расмийлаштириш услубидир;

ёрдамга муҳтож шахслар – ёши, жинси, касаллиги, ногиронлиги, ижтимоий ёки шахсий мақоми сабабли алоҳида ҳимояга муҳтож шахслар, хусусан болалар, кам таъминланган (камбағал) оила аъзолари, қарамоғида вояга етмаган болалари бор ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотганлар, одам савдоси ва жинсий зўравонликдан жабрланганлар, ногиронлиги бор, шунингдек яқин қариндошлари бўлмаган озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган шахслар;

гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи – жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб этилган шахсларга ўзининг айбсизлигини исботлаш, ўзига эълон қилинган гумон ёки айбни рад этиш ёхуд жавобгарлик (жазо)дан озод бўлиш, шунингдек жазони енгиллаштириш учун қонунда назарда тутилган процессуал имкониятлар мажмуи.

2. *Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш* ЖПКнинг 221-моддасида белгиланган асосларга кўра амалда ушланган ёки жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган вақтдан бошланади.

3. ЖПКда белгиланган жиноят процесси принципларини шартли равишда қуйидаги турларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

- конституциявий принциплар;
- соҳавий принциплар;
- махсус принциплар.

4. Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига сабаб бўлаётган омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Объектив омиллар: тергов органлари иш ҳажмининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо берилиши; жиноят иши бўйича барча ҳолатларни синчковлик билан, тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиш учун белгиланган суриштирув муддатлари айрим ҳолатларда етарли бўлмаётгани; суриштирувчи ва терговчиларнинг чинакам процессуал мустақиллиги таъминланмаганлиги; суриштирувчи ва терговчига ноқонуний таъсир кўрсатиш ва фаолиятига асоссиз аралаштириш ҳолатлари мавжудлиги; тергов органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотига оид масалалар тўлиқ ҳал этилмаганлиги; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни тергов фаолиятига алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш амалиётининг кўпайиб бораётгани; тергов органлари фаолиятига илғор илмий-техник воситалар, шунингдек замонавий иш усуллари кенг жорий этилмаганлиги ва ҳ.к.

Субъектив омиллар: терговчи малакасининг етарли эмаслиги, масъулиятсизлиги, касбий ёки амалий жиҳатдан тажрибасизлиги; маънавий ёки интизомий жиҳатдан етук эмаслиги; ғайриқонуний йўл билан бўлса-да, жиноятни очиш ниятида бўлиши; процесс иштирокчиларига нисбатан шахсий адоватда бўлиши ва ҳ.к.

5. Ишни судга қадар юритишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни батафсил таҳлил қилиш асосида уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

биринчидан, шахсларнинг жиноятларга доир муурожаатлари ўз вақтида рўйхатга олинмаслиги ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этилмаслиги;

иккинчидан, тергов давомидаги сансалорлик ва жабрланувчиларга бефарқ муносабатда бўлиш натижасида уларнинг амалдаги қонун нормаларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланмаслиги;

учинчидан, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган мулкӣ ёки маънавий зарарларни қоплаш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаслиги.

6. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш учун мамлакатимизда адвокатларнинг ролини кучайтириш зарур бўлиб, бу куйидагиларга имкон беради:

биринчидан, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатлардан, ноқонуний ва асоссиз қарорлар қабул қилишдан тийилиши;

иккинчидан, фуқароларимизда адвокатура институтига нисбатан бўлган ишончнинг янада ортиши;

учинчидан, жиноят-процессуал муносабатларда адвокатлар фаолиятига объектив баҳо бериш имкони юзага келиши;

тўртинчидан, жиноят процессида тарафларнинг ўзаро тортишуви принципи амалда рўёбга чиқиши, уларнинг чинакам мустақиллиги таъминланиши;

бешинчидан, адвокатлар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифат жиҳатдан янада яхшиланиши ва ҳ.к.

7. Адвокатура институти нуфузининг юксалиши ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари самарали таъминланишига, шу билан бирга, жиноят иши бўйича одил судловга эришиш даражаси юксалишига ҳам хизмат қилади.

8. Ишни судга қадар юритишда шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши ҳолатларини икки босқичга бўлиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ: *терговга қадар текширув босқичида* – бевосита жиноятдан жабр чекканлар, гувоҳлар ва ушлаб турилган шахсларга нисбатан; *тергов босқичида* – гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчиларга нисбатан.

II. Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. ЖПКни куйидаги мазмундаги 10¹-моддаси билан тўлдириш:

Жиноят процесси принциплари

Жиноят процессининг принциплари – жиноят процессининг босқичлари, институтлари ва нормаларини белгиловчи, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тизими ва мазмунининг умумий шартлари ҳамда ҳар бир иш бўйича қонунийлик, асосланганлик ва адолатни таъминлаш бўйича устувор қоидалар мажмуидир.

Жиноят процесси принципларининг бузилиши хусусияти ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда жиноят иши доирасида амалга оширилган тергов ва процессуал ҳаракатлар натижаларининг яроқсиз деб топиллиши қабул қилинган қарорларнинг бекор қилинишига ёки мазкур иш бўйича тўпланган далилларнинг мақбул эмас деб баҳоланишига олиб келади.

2. ЖПК 11-моддасининг биринчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этиш:

«Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу

Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт».

3. ЖПК 11-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Ушбу Кодекс нормалари талабларини бузиш йўли билан олинган далиллар номақбул (яроқсиз) деб топилади ва шахсни айблаш учун асос бўлмайди».

4. ЖПК 17-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт».

5. ЖПК 18-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Процесс иштирокчиларининг қонуний талаблари қондирилиши ва уларга қонунда белгиланган шарт-шароитлар яратиб берилиши керак.

6. ЖПК 18-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Ҳеч кимнинг конституциявий ҳуқуқлари суд қарорига асосланмаган ҳолда чекланиши мумкин эмас. Жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий чеклайдиган процессуал ҳаракатлар суд қарори асосида амалга оширилади.

7. ЖПКга «Шахсий дахлсизлик» деб номланган 18¹-модда, «Турар жой дахлсизлиги» деб номланган 18²-модда ҳамда «Мол-мулк дахлсизлиги» деб номланган 18³-модда киритилиши таклиф этилди ва мазкур янги моддалар матнининг қуйидаги лойиҳаси ишлаб чиқилди:

18¹-модда. Шахсий дахлсизлик

Жиноят ишларини юритиш умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ва процесс иштирокчилари бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари, шунингдек вазифа ва ваколатлари билан ўзаро боғлиқдирлар.

Жиноят процессининг барча иштирокчилари эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, улар қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ушбу Кодексда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишига ёки уларни чекаб қўйишига ҳеч ким ҳақли эмас.

18²-модда. Турар жой дахлсизлиги

Жиноят процесси иштирокчилари шахсий ҳаётига аралашшидан ҳимояланиши ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Уларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланади.

Ҳеч ким ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас

(ЖПК 18-моддасининг ўзгартирилган таҳрирдаги ушбу нормаси мазкур моддага жойлаштирилди).

18³-модда. Мол-мулк дахлсизлиги

Жиноят процесси иштирокчиларининг мол-мулки дахлсиздир ва ундан фақат суд қарори билан маҳрум этилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда хусусий мулкдан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Жиноят процесси иштирокчиларидан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиши тақиқланади. Уларнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тартиб олинишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга хилоф равишда аралашиши ман этилади.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ва процесс иштирокчиларининг хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ҳужжатлари ҳақиқий ҳисобланмайди.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг айби билан процесс иштирокчиларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш шу мансабдор шахс зиммасига юкланиши мумкин.

8. ЖПК 20-моддасининг учинчи қисмини тўртинчи қисм сифатида ўтказиб, ушбу моддани қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш:

Процесс иштирокчиларига танишиши учун тақдим этиладиган давлат тилидаги жиноят иши материаллари, уларнинг хоҳиш-истагига кўра лотин ёки кирилл ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида тайёрланиши лозим.

9. ЖПК 21-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ушбу Кодексда белгиланган тартибда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, шунингдек айбдорларни фош этиши, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда кўмаклашиши мақсадида жиноят ишини юритишда қатнашишига ҳақлидир.

10. Жиноятларни тергов қилиш амалиётида учраётган салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида, амалдаги ЖПКга «Кўрсатув бериш мажбуриятидан озод этиш» деб номланган янги 23¹-моддани киритиш ва унинг матнини қуйидаги мазмунда баён этиш:

23¹-модда. Кўрсатув бериш мажбуриятидан озод этиш

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатма беришга мажбур эмас.

Кўрсатма қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёхуд бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан, шунингдек ушбу Кодекс талабларини бузган ҳолда олиниши мумкин эмас.

11. ЖПК 27-моддасини қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш:

Процесс иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахслар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг жиноят иши қўзғатиши ёки қўзғатишни рад этиши, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиши, жиноят ишини тугатиши ҳақидаги қарорлари ва ушбу Кодексда белгиланган бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлари устидан бевосита судга шикоят қилиши мумкин.

12. ЖПК 37-моддасининг тўртинчи қисми, 39-моддасининг тўртинчи қисми, 39²-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмлари, 241-моддасининг биринчи қисми, 338-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 358-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 374-моддасининг тўртинчи қисми, 374-моддасининг учинчи қисми, 381¹¹-моддасининг тўртинчи қисми, 381¹⁴-моддасининг учинчи қисми ва 381¹⁷-моддасидаги «прокурорга шикоят қилиши» деган сўзларни «прокурорга ёки судга шикоят қилиши» деган сўзлар билан алмаштириш.

13. ЖПК 46-моддасида белгиланган айбланувчининг ҳуқуқларига қуйидагиларни қўшимча равишда киритиш:

ушлаб турган шахсдан ўзига тегишли ҳуқуқлари ҳақида тушунтириш олиш; ҳуқуқлари чекланишига оид қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор қилиниш; ушлаб туриш тўғрисидаги баённома, жиноят иши қўзғатиши, жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб этиши ҳамда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорлардан нусхалар олиш; мустақил равишда ёки ўз вакиллари, шунингдек бошқа шахслар орқали ҳимоячини таклиф қилиш; таржимон хизматидан бепул фойдаланиш; тергов ҳаракати баённомалари билан танишиш ва улар бўйича эътирозлар билдириш; ўз хавфсизлиги таъминланишини талаб қилиш; ўзи ёки ҳимоячиси томонидан тақдим этилган шикоят ёки илтимосномани қайтариб олиш; ўзини ҳимоя қилиш бўйича фикрнома тақдим этиш; процессуал келишувлар судда кўрилаётганида иштирок этиш; ушбу Кодекс билан тақиқланмаган бошқа восита ва усуллар билан ўзини ҳимоя қилиш; ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган деб ҳисоблаган барча қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) бўйича судга шикоят қилиш.

14. ЖПКнинг 47-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш:

Шахс қуйидаги вақтдан бошлаб гумон қилинувчи ҳисобланади:

1) гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиши тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан;

2) *гувоҳ ёки жабрланувчи жиноят содир этган шахс сифатида кўрсатув берган ёки унга нисбатан терговга қадар текиширув ҳаракатлари бошланган вақтдан;*

3) *шахс ушбу Кодекснинг 224-моддасида белгиланган тартибда ушланган вақтдан бошлаб.*

15. ЖПК 48-моддасида белгиланган гумон қилинувчининг ҳуқуқларига қуйидагиларни қўшимча равишда киритиш:

ушлаб турган шахсдан ўзига тегишли ҳуқуқлари ҳақида тушунтириши олиши; ҳуқуқлари чекланишига оид қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор қилиниши; ушлаб туриши тўғрисидаги баённома, жиноят иши кўзгатиши, жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида жалб этиши ҳамда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорлардан нусхалар олиши; мустақил равишда ёки ўз вакиллари, шунингдек бошқа шахслар орқали ҳимоячини таклиф қилиши; таржимон хизматидан бепул фойдаланиши; тергов ҳаракати баённомалари билан танишиши ва улар бўйича эътирозлар билдириши; ўз хавфсизлиги таъминланишини талаб қилиши; ўзи ёки ҳимоячиси томонидан тақдим этилган шикоят ёки илтимосномани қайтариб олиши; ўзини ҳимоя қилиши бўйича фикрнома тақдим этиши; процессуал келишувлар судда кўрилаётганида иштирок этиши; ушбу Кодекс билан тақиқланмаган бошқа восита ва усуллар билан ўзини ҳимоя қилиши; ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган деб ҳисоблаган барча қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) бўйича судга шикоят қилиши.

16. ЖПК 49-моддаси (ҳимоячи) иккинчи қисмидаги «ордерни» деган сўзни «ордер нусхасини» деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилди.

17. ЖПК 51-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди:

4) *жазо чораси сифатида ўн йилдан ортиқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;*

7) *жабрланувчининг ёки фуқаровий даъвогарнинг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;*

10) *гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган ишларда;*

11) *кам таъминланган (камбағал) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг илтимосига кўра;*

12) *гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлиб, суриштирув, тергов органи ёки судга келишининг имкони бўлмаса;*

13) *процессуал келишув билан боғлиқ масалалар кўрилаётган ишларда.*

18. ЖПК 53-моддасида белгиланган ҳимоячининг ҳуқуқларига қуйидагиларни қўшимча равишда киритиш:

шахсни ушлаб туриши ҳақидаги баённома, ишда гумон қилинувчи сифатида иштирок этишига жалб қилиши тўғрисидаги қарор, айблов эълон қилинганлиги ҳақидаги қарор, манфаатларини ҳимоя қилаётган шахс иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаси, гумон қилинувчига, айбланувчига

тақдим этилган ёки тақдим этилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар билан танилиши; давлат сири ёки қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирлардан ташиқари маълумотлардан нусха олиши; ўз ҳимоясидаги шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чорасини қўллашга оид масала суд мажлисида кўриб чиқилишида иштирок этиши; ўзи тўплаган ва тақдим қилган далилларни текшириши билан боғлиқ барча тергов ҳаракатларида иштирок этиши; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатлари натижаси, уни қайд этиши ва расмийлаштириши бўйича эътирозлар билдириши; илтимосномалар ва шикоятлар бериши ва уларни кўриб чиқиши жараёнида иштирок этиши; кўрилаётган иш бўйича бошқа шахслар томонидан берилган шикоятлар (протестлар) ҳақида билиши ва уларга нисбатан эътирозларини билдириши; судгача иш юритиши якунланганидан сўнг ҳимоянинг ҳулосасини тақдим этиши; жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан судга шикоят бериши; суд мажлисида жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига илтимоснома ва таклифлар бериши; суд мажлисининг баённомаси ва аудиоёзувлар билан танилиши ҳамда уларга нисбатан эътирозларини билдириши; суд томонидан рухсат берилган бошқа масалалар бўйича ўз фикрини билдириши; тергов ва суд жараёнини қайд қилиши учун техник воситалардан фойдаланиши; айблов тарафи ёки суд раисининг ҳаракатларига нисбатан эътирозлар билдириши; процессуал битимлар тузиши бўйича ишларда иштирок этиши; ҳимоя томонининг шикоят ва илтимосномалари суд терговда кўриб чиқилишида иштирок этиши.

19. ЖПКни «Ариза билан мурожаат қилган шахс» деб номланган янги 54¹-модда билан тўлдириб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши бўйича жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларга тайёрланаётган, содир этилган ёки содир этилаётган ижтимоий хавfli қилмиш ҳақида мурожаат қилган ҳар қандай шахс ариза билан мурожаат қилган шахс деб эътироф этилади.

20. ЖПКни «Ариза билан мурожаат қилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган янги 54²-модда билан тўлдириб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Ариза билан мурожаат қилган шахс: кўрсатув бериши; далиллар тақдим қилиши; илтимоснома бериши ва уни рад қилиши; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиши; ўз манфаатларини ҳимоя қилиши учун вакил олиши; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларида иштирок этиши; ўзи иштирок этган тергов ҳаракати баённомасидан нусха олиши; материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиши ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиши; терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари устидан судга шикоят бериши ҳуқуқларига эга.

Ариза билан мурожаат қилган шахс: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатувлар бериши;

далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришига уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; терговга қадар текширув вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ариза билан мурожаат қилган шахс кўрсатув беришдан бош тортиш ва била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

21. ЖПК 55-моддасида белгиланган жабрланувчининг ҳуқуқларига қуйидагиларни қўшимча равишда киритиш:

айбланувчига қўйилаётган айбловлар ҳақида билиш; ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув беришдан бош тортиши; таржимон хизматидан бепул фойдаланиш; жиноят ишини юритишига масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан унинг иштирокида ўтказиладиган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларнинг вақти ва жойи ҳақида олдиндан огоҳлантирилиш; унинг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомалари билан танишиш ва улар бўйича эътирозлар билдириш; баённомалардан нусхалар олиш; ўз хавфсизлиги таъминланишини талаб қилиш; суд экспертизасини тайинлаш ҳақидаги қарор, ажрим ва эксперт хулосаси билан танишиш; ишни судга қадар юритиш босқичидаги айрим тергов ва процессуал мажбуриятлар чораларини қўллашга рухсат бериш бўйича суд муҳокамаларда иштирок этиш; процессуал келишувлар судда қўрилаётганида иштирок этиш; суд мажлисларида чиқиш қилиш ва айбловга нисбатан ўз фикрини билдириш; суд мажлиси баённомаси, шунингдек унга бириктирилган электрон ёки бошқа аудио, видеоёзувлар билан танишиш ва улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирмалар олиш; жиноий ҳаракатлар натижасида етказилган мулкӣ зиённи ҳамда жиноят иши юритилиши жараёнида сарфлаган харажатларини ундиришни талаб қилиши; ҳукм ижроси билан боғлиқ масаланинг суд мажлисида қўриб чиқишида иштирок этиш; ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган деб ҳисоблаган барча қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) бўйича судга шикоят қилиш; мазкур Кодексда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

Қуйидаги қарор ва ажрим нусхаларини олиш:

жиноят иши қўзғатилганлиги ҳақида; унинг жабрланувчи сифатида жалб этилганлиги ҳақида; айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чораси рад этилганлиги ҳақида;

жиноят иши тўхтатилганлиги ҳақида; жиноят иши тамомланганлиги ва судга юборилганлиги ҳақида; суд мажлиси ҳақида.

22. ЖПКнинг 99-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш:

Сўроқ қилинувчи давлат тилида кўрсатув беришни маълум қилса, жиноят ишини юритишига масъул бўлган мансабдор шахслар сўроқ қилиш баённомасини сўроқ қилинувчининг хоҳиши-истагига кўра лотин ёки кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбосида юритиши лозим.

23. ЖПК 107-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Сўроқ қилиш вақти узлуксиз равишда тўрт соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Сўроқни дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган камида бир соатлик танаффусдан кейин давом эттиришига йўл қўйилади, шу билан бирга, сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим.

Ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган болалари бор, ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларни, вояга етмаганларни, шунингдек кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни сўроқ қилиш вақти узлуксиз равишда икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Мазкур тоифадаги шахсларни сўроқ қилиш умумий ҳисобда кунига тўрт соатдан ошмаслиги керак.

24. ЖПКни «Процессуал мажбурият чораларини электрон қайд этиш» деб номланган янги 214¹-модда билан тўлдириб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Ҳуқуқни чеклайдиган процессуал мажбурият чораларини қўллаш, жумладан шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритилади.

25. ЖПКни «Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни терговга қадар текиширув органига олиб келиш ва текишириш» деб номланган янги 221¹-модда билан тўлдириб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Ушбу кодекснинг 221-моддаси биринчи қисми 3 ёки 4-бандларига асосан жиноят содир этишда гумон қилинган шахс ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганида жиноят ишини юритишига масъул бўлган мансабдор шахс томонидан уч соат ичида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

1) шахсни ушлаб туриш тўғрисида;

2) шахсни озод қилиш тўғрисида».

26. ЖПКнинг 226-моддасидаги «ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан» деган сўзларни «амалда ушланган вақтдан» деган сўзлар билан алмаштириш.

27. ЖПКнинг 228-моддасини қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш:

Ушлаб турилган шахсларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатган тиббиёт ходими томонидан ушлаб турилган шахснинг соғлиги ҳамда уни тергов ва процессуал ҳаракатларга жалб этиш мумкинлиги ёки вақтинча мумкин эмаслиги ҳақида хулоса тақдим этилади.

28. ЖПКнинг 242-моддаси матнидан «ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир» деган сўзларни чиқариб ташлаш.

29. ЖПКни «Мажбурий келтиришда тақиқланадиган ҳолатлар» деб номланган янги 262¹-модда билан тўлдириб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

Мажбурий келтиришда қуйидагилар тақиқланади:

1) 14 ёшга тўлмаганлар, ҳомиладор аёллар, оғир беморлар ҳамда I гуруҳ ногиронларини мажбурий келтириш.

2) шахсни тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача мажбурий келтириши;

3) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиши;

4) шахсга зўрлик, нўтиса қилиши ва уни қонунга хилоф бошқа йўллар билан мажбуран келтириши.

30. ЖПКнинг 325-моддасини биринчи қисмидаги «149-моддасида» деган сўзлардан кейин «266-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдириш.

31. ЖПК 375-моддасини қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш:

Процесс иштирокчиларига танишиши учун тақдим этиладиган давлат тилидаги жинойт иши материаллари, уларнинг хоҳиш-истағига кўра лотин ёки кирил ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги матнда ҳавола этилади.

32. Тадқиқот натижасида «Айбига иқрор бўлиши тўғрисидаги процессуал келишув битими» ва «Ҳамкорлик тўғрисидаги процессуал битим» деб номланган янги институтларни амалдаги ЖПКга киритиш бўйича таклифлар умумлаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Жинойт ишларини юритиш янада эркинлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа диссертациянинг 8-иловасида келтирилган.

III. Суд-тергов амалиётини такомиллаштиришга оид тавсиялар:

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг жинойтларга доир мурожаатлари ўз вақтида рўйхатга олинishi ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этилишини таъминлаш мақсадида жинойт ҳақидаги ариза ва шикоятларни электрон шаклда ҳам рўйхатга олиш ва расмийлаштириш тартибини жорий этиш керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошида ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилаётганига доир мурожаатлар билан 24 соат узлуксиз ишлайдиган «Call-марказ» ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Унга мурожаат қилган шахслар (процесс иштирокчилари ёки бошқалар) ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилаётгани ҳолатлари бўйича шикоятлар, шунингдек суд-тергов фаолияти билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишлари мумкин.

3. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларда хизмат қилаётган ходимларнинг қарийб 90 фоизи олий юридик маълумотга эга эмаслигини инобатга олиб, жинойт иши қўзғатиш ваколатини фақат суриштирувчи, терговчи ва прокурорда қолдириш зарур.

4. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий чеклайдиган тергов ҳаракатларида холисларнинг иштирок этиши ёки этмаслиги масаласини ҳал қилиш тергов органларининг ихтиёрига берилиши лозим. Лекин, холислар иштирокисиз ўтказилган бундай тергов ҳаракатлари видеоёзув воситалари орқали қайд этилиши шарт.

5. Ишни судга қадар юритишда холислар, шу билан бирга процесснинг бошқа иштирокчилари (эксперт, мутахассис, таржимон)нинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларнинг ўзларига юклатилган процессуал мажбуриятларни самарали бажаришини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «*Жиноят процессида жамоатчи ёрдамчи тўғрисида*»ги қонунини қабул қилиш таклиф этилди.

6. ИИВ Академиясида ўқитилаётган барча мутахассисликлар («*Тергов фаолияти*», «*Тезкор-қидирув фаолияти*», «*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти*», «*Эксперт-криминалистик фаолият*», «*Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти*», «*Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш*» ва «*Жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти*»)нинг ўқув режаларига «*Прокурор фаолияти*», «*Суд ҳуқуқи*» ва «*Адвокатлик ҳуқуқи*» каби фанларни киритиш мақсадга мувофиқ.

7. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига жиноятларнинг кўпайиши ёки камайишига оид статистик маълумотларга қараб баҳо беришдек эски мезонлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ. Мазкур иллат ҳозирги вақтда ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишининг энг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

8. Жиноят процессида айбсизлик презумпцияси принципининг талаблари тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида тергов органлари томонидан жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида айбланувчиларга нисбатан асослантирилмаган тақдимномалар киритиш амалиётига барҳам бериш зарур.

9. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан суриштирув ва тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

оммавий ахборот воситаларнинг иштирокига кенг йўл очиб бериш;

жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни ишга қабул қилиш мезонлари ва шартларини такомиллаштириш;

жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига эътиборни кучайтириш, уларнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар меҳнатига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо беришдан воз кечиш;

жиноят ишларини юритишни босқичма-босқич рақамлаштириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31/30.12.2019.YU.25.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АКАДЕМИЯ**

САИДОВ БАХРОМ АНВАРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
КОНСТИТУЦИОННЫХ ПРАВ И СВОБОД ЛИЧНОСТИ В
ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ**

**12.00.09. – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное
право и судебная экспертиза**

АВТОРЕФЕРАТ

докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам

Ташкент – 2020

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.1DSc /Yu63.

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный консультант: **Мухамедов Уткирбек Хазраткулович**
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Пулатов Бахтиёр Халилович**
доктор юридических наук, профессор

Тўхташева Умида Абдиловна
доктор юридических наук, профессор

Муродов Бахтиёржон Баходирович
доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация: **Военно-технический институт Национальной
Гвардии Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 23 сентября 2020 г. в 15:00 часов на заседании Научного совета № DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства внутренних дел (зарегистрирована под № 113). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан 10 сентября 2020 года.

(протокол реестра № 22 от 10 сентября 2020 года).

А.С. Турсунов

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор юридических наук, профессор

Дж.Х. Юлдашев

Научный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии по юридическим
наукам, доцент

Р. Кабулов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, доктор юридических
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация (DSc) докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире предупреждение преступлений, быстрое и полное раскрытие преступлений, обеспечение не привлечения к ответственности невиновного лица, обеспечение равенства сторон на всех стадиях уголовного процесса, обоснованное применение процессуальных принудительных мер, искоренение жестокого, бесчеловечного или унижающего достоинство обращения и наказания, пыток людей в судебно-следственной практике, освобождение лица от ответственности за его искреннее раскаяние и активное содействие в раскрытии преступления, полное возмещение материального ущерба, причиненного потерпевшему, а также повышение доверия граждан путем обеспечения прав и свобод участников процесса являются основными приоритетами уголовного процесса.

Актуальное значение во всем мире имеет поиск научных, теоретических и практических решений уголовно-процессуальных проблем дальнейшего расширения сферы применения институтов частного обвинения, примирения и «Хабеас корпус», принятия необходимых мер для восстановления нарушенных прав личности, совершенствования деятельности органов доследственной проверки и следственных органов по обеспечению прав и свобод личности, а также деятельности органов доследственной проверки и следствия по обеспечению прав, свобод и законных интересов личности, усиления судебного контроля на стадии досудебного производства по делу, либерализация процессуального порядка рассмотрения уголовных дел, обеспечения гласности и прозрачности судебного разбирательства, участия общественности в уголовном процессе, возмещения потерпевшим от преступления причиненного ущерба и совершенствования правового механизма содействия им, национальных законодательных актов, обеспечивающие права участников процесса, защищающих свои интересы, а также уголовно-процессуальных проблем, встречающихся в правоприменительной практике.

В нашей республике в целях обеспечения приоритета прав и свобод человека, обеспечения верховенства закона, дальнейшего реформирования судебной системы и приоритетов гуманизации уголовного судопроизводства реализуются масштабные программные мероприятия. Совершенствование и либерализация уголовного и уголовно-процессуального законодательства, повышение эффективности и качества правосудия, совершенствование процессуальной базы уголовного судопроизводства, обеспечение надежной защиты прав и свобод граждан в деятельности судебно-следственных органов определено одной из основных задач обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. В обеспечении исполнения этих задач предусматривается глубокое критическое изучение законодательных норм, гарантирующих конституционные права и свободы личности в уголовном судопроизводстве, а также правоприменительной практики по реализации обеспечения данных прав. В частности, важно дальнейшее упрощение процедуры уголовного

судопроизводства и обеспечение взаимодействия в признании вины лица с судебно-следственными органами, определение основания и порядка полного или частичного освобождения от уголовной ответственности и наказания лиц, совершивших тяжкие или особо тяжкие преступления.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, определенных в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан (1994), законах Республики Узбекистан «О защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного процесса (2019), «Об органах внутренних дел» (2016), указах Президента Республики Узбекистан № УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебно-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» от 21 октября 2016 г., № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., № УП-5005 «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» от 10 апреля 2017 г., №УП-5268 «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности» от 30 ноября 2017 г., №УП-5441 «О мерах по коренному повышению эффективности института адвокатуры и расширению независимости адвокатов» от 12 мая 2018 г., №УП-6041 «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебно-следственной деятельности» от 10 августа 2020 г., постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2898 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений» от 18 апреля 2017 г., № ПП-3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование проведено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертаций¹. Исследования по вопросам обеспечения конституционных прав и свобод личности в досудебном производстве проводится в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности, в Australian Law Reform Commission (Австралия), Harvard University (США), Oxford (Англия), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Tilburg University

¹<http://aua.am>, www.alrc.gov.au, www.harvard.edu, www.jstor.org; www.apa.org; www.ucl.ac.uk /jill-dando-institute /forensic-sciences; warwick.ac.uk /fac/soc/law /research/centres/cjc; www.bournemouth.ac.uk; www.tru.ca; www.ucl.ac.uk; www.aliph.library.it; www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; <https://elt.oup.com>; www.psychiatry.org; spbu.ru; www.msu.ru; www.unr.edu; www.aafs.org; www.ams.org; www.allacademic.com; www.northwestern.edu; www.uni-miskolc.hu/en, www.tilburguniversity.edu, www.du.ac.in, <http://www.unitn.it/en>, msal.ru, <https://mocy.mvd.pf>, <http://akadmvd.uz>, cgtoa.pf, mail.va-mvd.ru ва бошқа манбалардан олинган., rwu.edu; www.utas.edu.au; en.nagoya-u.ac.jp; www.utokyo.ac.jp/en; www.utoronto.ca; www.yale.edu.

(Голландия), University of Delhi (Индия), University of Trento (Италия), Dublin (Ирландия), Victoria (Новая Зеландия) и Western Ontario (Канада), Stefancel Mare Academy (Молдова), Московской академии МВД Российской Федерации, в Санкт-Петербургском университете (Россия) и Академии МВД Республики Узбекистан.

В результате исследований, проводимых в мире по совершенствованию обеспечения конституционных прав и свобод личности в досудебном производстве, был достигнут ряд следующих научных результатов:

обоснована необходимость специализации следователей, осуществляющих досудебное производство, по различным направлениям (Harvard University, США); обоснована необходимость введения в Уголовно-процессуальный кодекс принципа гуманизма (Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия); разработаны основные задачи правоохранительных органов по обеспечению прав участников процесса (Oxford Англия); исследованы задачи возмещения потерпевшему нанесенного преступлением имущественного вреда (University of Trento Италия); изучены вопросы смягчения наказания при признании вины лицом, совершившим преступление, а также при его взаимодействии с субъектами досудебного производства (Western Ontario Канада); разработано предложение о даче в конце досудебной стадии обвинительного заключения вместе с заключением адвоката о защите (Московская Академия МВД Российской Федерации).

В мире путем совершенствования института обеспечения конституционных прав и свобод личности при досудебном производстве по делу, в частности, путем имплементации международных стандартов проводится ряд исследований по следующим приоритетным направлениям: обеспечение невиновности в уголовно-процессуальных отношениях верховенства требований принципа презумпции, направленных на внедрение в уголовно-процессуальные отношения принципа гуманизма; усиление роли защиты при досудебном производстве по делу; совершенствование деятельности органов доследственной проверки, дознания и следствия по обеспечению конституционных прав и свобод личности на стадии досудебного производства по делу; разработка механизмов использования эффективных и действенных методов, не унижающих честь и достоинство личности; расширение диспозитивных прав личности в уголовно-процессуальных отношениях.

Степень изученности проблемы. В нашей республике научные исследования по некоторым аспектам обеспечения прав и свобод личности в досудебном производстве проводились такими отечественными учеными, как Г.А. Абдумажидов, Б.Т.Акрамходжаев, З.Ф. Иногомжонова, К.А. Ишниязов, Д.Ю. Камалходжаев, Д.М. Миразов, Б.А.Миренский, Ф.М. Мухитдинов, Б.Б.Муродов, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, А.Х. Рахманкулов, М.А.Ражабова, Б.А.Ражабов, М.Х.Рустамбаев, Т.Р.Сайтбаев, С.М.Сахаддинов, У.А.Тухташева, Г.З.Тулаганова, А.О. Шарофутдинов².

²Эти и другие источники приведены в списке использованной литературы в диссертации.

Отдельным вопросам анализируемой темы в странах СНГ посвятили свои работы В.Вавилова, Л.В.Головки, Е.А.Карякин, И.Б.Лапин, А.И.Макаркин, Е.В.Митрофанова, М.Н.Новикова, А.В.Пивень, Р. Г.Сердечная, П.Л.Сурихин, А.В.Смирнов, С.А.Шейфер, И.Я.Фойницкий³.

Вопросы обеспечения прав и свобод личности в досудебном производстве были исследованы такими зарубежными учеными, как Jodie Blackstock, Yerold H. Israel, Wayne R., Marianne L., Lilit Grigoryan, Landsman S., Burnham W., Krisztina Farkash⁴.

